

# Халқ Сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

5 февраль, чоршанба, 1997 йил  
Сотувида эркин нархда. № 26 (1543)

## САМИМИЙ ТАБРИК

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ  
ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам жаноби Президент!  
Руза Ҳайити муносабати билан Сизга ва Ўзбекистон халқига Америка халқи номидан самимий табрикларимни йўллайман. Мазкур муқаддас кун Ўзбекистон учун бу йили алоҳида аҳамият касб этади. Чунки у, муҳим босқич -- мустақиллигингиз беш йиллигидан кейинги байрам. Сизнинг халқингиз ўзининг фидокорона меҳнати билан ардоқлаб, қўллаб-қувватлаётган мустақилликнинг энг муҳим ютуқларидан бири -- барча учун диний эътиқод эркинлигидир. Қўшма Штатлар Ўзбекистон билан узоқ муддатли самимий ва мустаҳкам ҳамкорлик қилишга умид боғлайди.

Эҳтиром ила

Уильям Ж. КЛИНТОН,  
Америка Қўшма Штатларининг  
Президенти.

### ОРОЛ -- ДОЛЗАРБ МУАММО

## КЕЛГУСИ АВЛОДЛАР ТЎҒРИСИДА ҚАЙҒУРИБ

4 февраль куни Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Тошкентдаги ваколатхонасида давра суҳбати бўлди. Учрашув Орол денгизи ҳавзасидаги мамлакатларнинг барқарор тараққиётини таъминлаш муаммолари ва вазибаларига бағишланди.

да бир неча экологик дастур амалга оширилмоқда, олимлар ҳар томонлама тадқиқотлар ўтказишмоқда, махсус жамғармалар ва қўшма корхоналар ташкил этилган бўлиб, улар ишлаб турибди. БМТ доирасида тузилган Ўзбекистон, шунингдек бутун Марказий Осиё минтақаси барқарор тараққиёти бўйича комиссияларнинг вазибаси вазириликлар, идоралар ва илмий муассасаларнинг атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиат ресурсларидан оқилона фойдаланиш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштиришдан иборат.

Учрашувда Ўзбекистонда иқлимнинг ўзгаришини ўрганиш, Оролбўйи экология муаммоларига доир халқаро тадқиқотларни чуқурлаштириш тўғрисида битимга эришилди. Бу ҳужжатни республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари Қобилжон Обидов, БМТнинг Ўзбекистондаги доимий вакили Холид Малик имзоладилар.

О. ЗАДУНАЙСКАЯ,  
ЎЗА мухбири.



Богдод тумани таъмирлаш ишлаб чиқариш ҳиссасдорлик жамиятига бу йил пленка остига чиқит экадиган агрегат тайёрлаб бериш учун 50 дан зиёд буюртма тушди. Бунинг боиси шундаки, андижонликлар усули бу йил Богдод далаларида ҳам қўлланилади. Мухими, четдан агрегат келтириш муаммоси барҳам топиб, уни шу ернинг ўзида тайёрлаш

мумкин бўлди. Албатта, бу буюртмачиларга кўплаб қулайликлар яратмоқда. СУРАТЛАРДА: усталар Мадамнижон Муҳаммадалиев ва Иброҳимжон Ахмедовлар.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛ олган сурат.

### «АЁЛ ВА САЛОМАТЛИК»

Сурхондарё вилояти ҳокимлигида ана шу мавзуда анжуман ўтказилди. Тиббиёт ва халқ таълими ходимлари, фаолияти инсон саломатлиги ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари билан боғлиқ идора ва жамғармалар бошлиқлари иштирок этган бу анжумани вилоят ҳокими Ж. Норалиев бошқарди.

Бош вазир ўринбосари, республика хотин-қизлар кўмитаси раиси Д. Гуломова «Аёл саломатлиги жамият саломатлиги негизидир» мавзусида маъруза қилди.

Сўзга чиққанлар экологик вазият бир қадар ноҳус бўлган вилоятда оналик ва болалиқни ҳар томонлама муҳофаза қилиш, соғлом авлодни камол топтириш муҳим масала бўлиб қолаётганини таъкидладилар. Оналик ва болалиқни ижтимоий муҳофаза қилиш, оилани мустаҳкамлаш ва хотин-қизларни иш билан бандлиги борасида вилоят ҳокимлиги хотин-қизлар кўмитаси амалга ошираётган ишларни яхшилаш тўғрисида фикр-мулоҳазалар билдирилди. Анжуманда республика Олий Мажлиси раисининг ўринбосари Б. Шошиева сўзга чиқди.

(ЎЗА).

### Мамлакатимизнинг барча вилоятларида Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси лойиҳаси бўйича умумхалқ муҳокамаси натижаларига бағишланган семинарлар бошланди.

Маълумки, мазкур кодекс лойиҳаси Олий Мажлис еттинчи сессиясида биринчи ўқишда маъқулланиб, умумхалқ муҳокамаси учун матбуотда чоп этишга қарор қилинган эди. Таъбирич Ўзбекистон Олий Мажлисининг Бюджет, банк ва молия масалалари кўмитаси билан республика Солиқ кўмитаси ўтказмоқда.

Уч кун давом этадиган анжуманларда Олий Мажлис депутатлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ноиблари, солиқ, молия ва банк соҳаси ходимлари, ийрик корхоналар ва ҳўжалиқлар, ташкилотларнинг раҳбарлари, тадбиркорлар, иқтисодчилар, ҳуқуқшунос олимлар, мутахассислар қатнашмоқда.

Бугунги бозор муносабатларига ўтиш шароитида иқтисодиётнинг давлат томонидан тартибга солиниши ва мувофиқлаштирилиши асосан солиқ сибасати воситасида амалга оширилади, -- деди республика Олий Мажлиси Бюджет, банк ва молия масалалари кўмитасининг раиси Абдурафик Аҳадов. -- Бу сибасатнинг оқилона олиб борилиши, солиқ тизимининг самарали амал қилиши унинг қонуний асосларига бевосита боғлиқдир. Зеро, замонавий солиқ тизими иқтисодий ўзгаришларни мувофиқлаштириш амалга ошириш мумкин бўлган ба-

тартиб ва самарали юридик тизимни, ишончли юридик доираларни тақозо этади. Бу эса соҳанинг норматив материалларини қайтадан умумлаштириш ва сифат жиҳатдан янгилаш, эскирган нормаларни чиқариб ташлаш ёки уларнинг таърифларини ўзгариштириш ва мамлакат иқтисодиёти ривожланишининг тегишли босқичидаги шароит

ҳамда ўзига хосликни акс эттирувчи янги ҳуқуқий қоидаларни киритиш имконини беради.

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси солиқ тўловчилар билан солиқ оловларни тисолиқда давлат ўртасидаги ўзаро муносабатларни сифат жиҳатдан янги поғонага қўтариши мумкин бўлган воситалардан биридир. Бу ҳужжат солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқлари, бурчалари ва жаъобгарликларини, солиқ идораларининг ҳуқуқлари, ваколатлари ва масъулиятини аниқ чегаралаб, шу нормалар асосида солиқ тўловчилар билан солиқ органларининг ўзаро муносабатларини тартибга солидиган қоидаларни белгилаб беради.

Кодексда Президентимиз Исрол Каримовнинг солиқ ислохотларини чуқурлаштириш, назорат қилувчи органлар фаолиятини тақомиллаштириш борасидаги Фармонларида белгиланган қоидалар ўз аксини топган.

Республикамизда Солиқ кодекси лойиҳаси муҳокамаси натижаларига бағишлаб ўтказилган семинарларда билдирилётган барча тақдир ва мулоҳазалар кўмита аъзолари томонидан апрофича ўрганилиб, энг муҳимлари кодекс лойиҳасига киритилади, муҳокама учун Олий Мажлисга тақдим этилади.

Т. БОТИРБЕКОВ,  
(ЎЗА).

### ОЧИК МУЛОҚОТ

«Соғлом авлод учун» ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро ҳайрия жамғармасида ёш авлодни соғлом, баркамол вояга етказиш борасида ўтган йили қатор ҳайрли ишлар қилинди. Хусусан, тегишли ҳукумат қарорларини ҳаётга тадбиқ этиш мақсадида тиббий, ижтимоий, инсонпарварлик ва инвестиция дастурлари ишлаб чиқилиб, амалга оширилмоқда. Бултур июнь-сентябрь ойларида жамғарма вакиллари республикамиздаги 36 туманинг мавjud тиббий-ижтимоий аҳволини ўрганиб чиқиди. Медицина кўригидан ўтказилган аёллар, болалар, ва ўсмирларга моддий ёрдам кўрсатилиб, дори-дармонлар, санитария-гигиена буюмлари, озиқ-овқат маҳсулотлари ва кийим-кечаклар тарқатилди. Жамғарма оналар ва болаларни соғломлаштиришга, туғруқхоналар ҳамда болалар тиббий муассасаларини моддий-техник жиҳозлашни яхшилашга қаратилган энг истиқболли илмий-техник ишланмаларни танлов асосида қўллаб-қувватламоқда.

Умуман, 1996 йилда жамғарма томонидан амалга оширилган ҳайрия, инсонпарварлик ва тадбиркорлик ишлари низоҳатда кенг қамровлидир. Бу борда, айниқса, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган бир қанча хорижий фирма ва компаниялар билан йўлга қўйилган ҳамкорликлар яхши самара берапти.

Жамғарма бошқаруви раиси Гулнора Йўлдошевнинг журналистлар билан бўлган учрашувда таъкидлашча, Президентимиз томонидан 1997 йилнинг Инсон манфаатлари йили деб эълон қилиниши улар зиммасига ҳам қатта масъулият юклайди. Шу босиб эрда 1997 йилга мўлжалланган бир қатор тиббий-ижтимоий, гуманитар ва инвестиция дастурлари ишлаб чиқилиб, амалга оширишга киришилди. Улардан эътиборини мақсадларга қўйишда жамғарма билан оммавий аҳборот воситаларининг ўзаро ҳамкорлиги ҳам яхши самара бериши мумкин. Қизилқарни ўтган учрашувда жамғарма раҳбарлари журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб беришди.

Е. ШЕРМУҲАММАД,  
«Халқ сўзи» мухбири.

## САТРАЛАРДА ЮРТ НАФАСИ

«Халқ сўзи» ва ЎЗА мухбирлари хабар қилади



Пойтахтдаги Эски Жўва дехон бозорига маҳсулотлар сифатини текширадиган замонавий аппаратлар ўрнатилган. СУРАТДА: лаборатория ходимларидан бир гуруҳи.

### УЮШМАНИНГ САМАРҚАНД БЎЛИМИ

Республика халқаро маданий-маърифий алоқалар миллий уюшмаси бир неча йилдирки, чет эл жамоатчилиги ва хорижда яшовчи ватандошларимиз билан алоқаларни ривожлантириш, дўстона муносабатларни мустаҳкамлашга салмоқли ҳисса қўшмоқда.

Шуни ҳисобга олиб Самарқанд шаҳрида ҳам уюшма бўлимини очишга қарор қилинди. Зеро, етти иқлимга маълум ва машҳур шаҳардаги бетақдор тарихий обидаларни, аждоқларимиз қолдирган бой маданий-маърифий меросни янада чуқур ўрганиш ва тарғиб этиш ушбу уюшманинг ҳам муқаддас вазифасидир. Янги бўлим таъсис анжуманида ана шу ҳақда гап борди. Миллий уюшма раиси М. Мирқосимов бўлимининг мақсад ва вазибалари ҳақида сўзлади.

### «ЧОРРАҲАДАГИ ҲАНГОМА»

Юсуфжон қизиқ Шакаржонов номидаги Фарғона вилоят театри «Чорраҳадаги хангома» деб номланган янги асарини томошабинлар ҳукмига ҳавола этди.

Еш драматург Н. Ҳошимов қаламига мансуб бу асарни театр бош режиссёри М. Юсулов сахналаштирди. Хангомаларга бой спектаклда Ўзбекистон, Қирғизистон ва Тожикистон халқларининг азалий ва абдий дўстлиги ўз аксини топган. Воқеа уч қардош республика ҳудуди туташган чорраҳада кечди.

### АСКАР ҚЎШИҚЛАРИ ЯНГРАМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучларининг марказий офицерлар саройи 4 февраль куни ҳар галгидан ҳам гавжум бўлди.

Бу ерда республика қўшиқ байрами олдидан Ватан ҳимоячилари кунига бағишлаб ҳарбий ватанпарварлик мавзусидаги мусиқа асарлари танлови бошланди. Таъбирич Ўзбекистон Республикаси Мулофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Маданият ишлари вазирлиги, «Телерадиокомпания», республика ёшлари «Камолот» жамғармаси, Ўзбекистон жангчи-фахрийлар бирлашмаси, Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси ҳамкорликда ўтказмоқда. Танловга вилоятларда ўтказилган дастлабки босқич голиблари таъриф буюрган. Танловнинг асосий мақсади Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари, Ички ва Чегара қўшинлари шахсий таркибининг ҳарбий, маънавий-ахлоқий ва маданий тарбиясида аскарилик ва сафда айтилган қўшиқлар аҳамиятини ошириш, ҳарбий-ватанпарварлик мавзусидаги қўшиқларни оммалаштириш, аскарлар ва ҳарбий хизматчиларнинг кўпчи ижрочилик маҳоратини юксалтиришдан иборат. Турт кун давомида сараланган энг яхши 15 та мусиқий асар китоб ҳолида чоп этилади.

### БЕПУЛ ФОЙДАЛАНИШАДИ

Бухоро вилоятида истиқомат қилаётган икки юздан кўпроқ эҳтиёжманд оила ҳар ойда 110 киловатт-соат электр энергиясидан бепул фойдаланадиган бўлди.

Бухоро электр тармоқлари бошқармаси бу ҳайрли иш учун корхона фойдаси ҳисобидан

400 минг сўмдан ортиқ маблағ ажратди. Айни вақтда нурчилар қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари бинолари электр тармоқларини бепул таъмирлаб беришни ҳам зиммасига олди.

### БИРОРТАЯМ ТАНҚИД НАТИЖАСИЗ ҚОЛМАЙДИ

## «30 ТАСИДАН 9 ТАСИ ИШЛАЯПТИ, ХОЛОС...»

«Халқ сўзи» 1996 йил, 19 декабрь

Жиззах вилоятида тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва бозор инфраструктурасини шакллантириш жараёнида, умуман иқтисодий ислохотларни амалга ошириш борасида йўл қўйилётган камчиликлар кўрсатиб ўтилган ушбу мақола юзасидан куйидаги жавоб олинди.

«Мақолада келтирилган барча фактлар вилоят давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бошқармасида тегишли соҳа раҳбари ва мутахассислари иштирокида кенг муҳокама қилинди.

1996 йил 20 декабрь куни эса вилоят давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бошқармаси томонидан йўл қўйилган камчиликларни тугатишга қаратилган тадбирлар

мажмуи тасдиқланди. Хусусийлаштирилган корхоналарга, тадбиркорларга ёрдам бериш, улар тақдим этган ҳужжатларга асосан вилоят «Бизнес фонд» ва «Мадад» суғурта агентлиги томонидан имтиёзли қарз берилиши қатъий назоратга олинди.

Бундан буён вилоятда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришга хизмат қилувчи омилларга, тадбиркорлик ва ташаббускорликка кенг йўл очиб бериш, мавжуд имкониятлардан оқилона, тўғри фойдаланишга жиддий эътибор қаратилади.

А. ИСРОИЛОВ,  
Жиззах вилояти ҳокими ўринбосари,  
Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлиғи.







ТАДБИРКОР БЎЛИШНИ ИСТАСАНГИЗ

ОПЦИОН

Опцион (немисча option, латинча optio -- танилаш) -- бирор-бир қимматли қозғо ёки товарларни муайян давр байида белгиланган нархларда сотиб олиш ёки сотиш ҳуқуқига эга бўлиш.

ФЬЮЧЕР БИТИМЛАРИ

Фьючер битимлари -- ҳали ишлаб чиқарилмаган товарлар намунасига қараб тузиладиган битимлар. Фьючер битими шартнома (договор) томонидан кўп марта олиб сотилади. Шартнома шартлари эса гаят қатъий бўлади, яъни маҳсулотнинг сифати, миқдори, етказиб бериш вақти ва жойи ўзгармаслиги керак.

Республикаимиз бозорларини оддий кийим-кечакдан тортиб, хориж маҳсулотлари билан тўлиб-тошиб бораётгани кўнгилни қувонтиради. Лекин киши дилни ранжитадиган ҳолатлар ҳам борки, булар -- бозорларда, айниқса, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан тўлиб-тошган деҳқон бозорларидаги хориж маҳсулотларининг нарх-навоси кун сайин ошиб бораётганидир.

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

Уттиши ҳам мумкин. Қани энди шу маҳсулотни уша хорижникидагидек қилиб қайта ишлаш технологиясига эришсак. Сал нарироқда Осиё мамлакатларидан келтирилган помидор шарбати -- «Кетчуп»ни қалокланган идиш сифимига қараб 3,45, 4,50 доллардан

маҳсулотларнинг баъзи бир турлари ўзимизга қиммат баҳоладан импорт бўлиб қайтиб ҳам келаяпти-да! Хорижнинг қайта ишлаш технологиясини ўзимиздаги завод ва фабрикаларга урнатилгани афзаллиги яна шу нарсада ойдин бўлаяптики, бир қатор ортиқча чиқимлар барҳам толмақда. Масалан, оддий помидор ёки олма, узум шарбатини олайлик. Агар уни ўзимиздаги алмосқондан қолган линияларда ишлаб чиқарилган қалоклайдган бўлсак, таннарх икки-уч баробар ошиб кетади. Нега? Негаки, битта 0,5 литрлик қуруқ шيشа идишнинг баҳоси 8 сўм дейлик. Унинг қопқоғи 4 сўмга тушади. Унга ёрлик ёпиштириш учун яна 2 сўм сарфлайсиз. Шيشа идишларни жойлайдиган бир донга зипикнинг баҳоси бутунги ҳисоб-китобларга қараганда 100 сўмдан ошмиқ. Бу ўртада маҳсулотни қалоклаш, қорхонадан ортин, дўконга тушириш жараида истайсизми-йўқми, 5 фойз идиш синади. Ана энди идишларни пехла тайёр маҳсулот қуйишга қавиб тозалашга сарф бўладиган қуруқ сода, қислота, қуруқ буг, энергия ва ишчи кучини ҳисоблаб чиқинг. Қарабсизки, сизми

ИШНИ НИМАДАН БОШЛАГАН МАЪҚУЛ?

Социалистик иқтисодиёт шароитида инсон яхлит механизмнинг кичик бир муравати сифатида давлат тизими ёки давлат қорхоналаридан бирида ишлаши шарт бўлиб, унинг бутун фаолияти юқоридан бериладиган буйруқ асосида бошқарилади. Бозор иқтисодиёти муносабатлари эса ўз ташаббускорлиги ва ишбилармонлик ҳислатларини тўла намоён этишлари учун ҳаммага кенг имкониятлар ашигини очиб берди. Энди ҳар ким, агар у юридик жиҳатдан ишга лаёқатли шахс бўлса, ўз ишлаб чиқаришини, ўз фирмасини очishi мумкин.

Бирок мустакил иш бошлаш осон туюлса-да, тадбиркорликни ўзи ва оиласини бемалол тебратадиган, бошлаган ишнинг гуллаб-яшнаб, кенг қўлчан ёйишини таъминлайдиган қилиб юритиш айна мураккабдир. Кейинги йиллар таърихи бунинг тасдиқлаётгани. Эўр бериб фирмалар очиш ҳаракати энди сусайди. Кўпгина фирмалар эса очилганидан буён ишламай ётибди.

Хўш, бунинг сабаби нимада? Тадбиркорлар ишнинг нимадан бошласалар, қандай тамойилларга амал қилсалар, чинакам мулкдор фермерга айланб, муваффақиятли фаолият юритадилар-у, инкирозга учрамайдилар? Ушбу саволларга Ўзбекистон Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси ходимлари Рауф ҒАҒҒОРОВ ва Виктор АБАТУРОВ шундай жавоб беради: -- Тадбиркорлар ишнинг бошдаёқ ёки ярим йўлда тўхтаб, юришмай қолганининг асосий сабабларидан бири шундаки, уларнинг айримлари эркин фаолият юритишини худда осон билиб, бизнес уммониға шўнғиб, тезда бойиб кетишдек ҳавоий хавасга берилиб, ўз куч ва имкониятларини ортиқча баҳолайдилар, ўз шахсларининг нуқсу фазилатларини ҳисобга ола билмайдилар ва энг муҳими, иш бошлашга чуқур ўйлаб, пухта ёқдашмайдилар, ҳар қандай янги ишда юзага келиши мумкин бўлган имконият ва тўсиқларни тасаввур эта олмайдилар.

Хўш, бунинг сабаби нимада? Тадбиркорлар ишнинг нимадан бошласалар, қандай тамойилларга амал қилсалар, чинакам мулкдор фермерга айланб, муваффақиятли фаолият юритадилар-у, инкирозга учрамайдилар? Ушбу саволларга Ўзбекистон Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси ходимлари Рауф ҒАҒҒОРОВ ва Виктор АБАТУРОВ шундай жавоб беради: -- Тадбиркорлар ишнинг бошдаёқ ёки ярим йўлда тўхтаб, юришмай қолганининг асосий сабабларидан бири шундаки, уларнинг айримлари эркин фаолият юритишини худда осон билиб, бизнес уммониға шўнғиб, тезда бойиб кетишдек ҳавоий хавасга берилиб, ўз куч ва имкониятларини ортиқча баҳолайдилар, ўз шахсларининг нуқсу фазилатларини ҳисобга ола билмайдилар ва энг муҳими, иш бошлашга чуқур ўйлаб, пухта ёқдашмайдилар, ҳар қандай янги ишда юзага келиши мумкин бўлган имконият ва тўсиқларни тасаввур эта олмайдилар.

Хўш, бунинг сабаби нимада? Тадбиркорлар ишнинг нимадан бошласалар, қандай тамойилларга амал қилсалар, чинакам мулкдор фермерга айланб, муваффақиятли фаолият юритадилар-у, инкирозга учрамайдилар? Ушбу саволларга Ўзбекистон Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси ходимлари Рауф ҒАҒҒОРОВ ва Виктор АБАТУРОВ шундай жавоб беради: -- Тадбиркорлар ишнинг бошдаёқ ёки ярим йўлда тўхтаб, юришмай қолганининг асосий сабабларидан бири шундаки, уларнинг айримлари эркин фаолият юритишини худда осон билиб, бизнес уммониға шўнғиб, тезда бойиб кетишдек ҳавоий хавасга берилиб, ўз куч ва имкониятларини ортиқча баҳолайдилар, ўз шахсларининг нуқсу фазилатларини ҳисобга ола билмайдилар ва энг муҳими, иш бошлашга чуқур ўйлаб, пухта ёқдашмайдилар, ҳар қандай янги ишда юзага келиши мумкин бўлган имконият ва тўсиқларни тасаввур эта олмайдилар.

Хўш, бунинг сабаби нимада? Тадбиркорлар ишнинг нимадан бошласалар, қандай тамойилларга амал қилсалар, чинакам мулкдор фермерга айланб, муваффақиятли фаолият юритадилар-у, инкирозга учрамайдилар? Ушбу саволларга Ўзбекистон Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси ходимлари Рауф ҒАҒҒОРОВ ва Виктор АБАТУРОВ шундай жавоб беради: -- Тадбиркорлар ишнинг бошдаёқ ёки ярим йўлда тўхтаб, юришмай қолганининг асосий сабабларидан бири шундаки, уларнинг айримлари эркин фаолият юритишини худда осон билиб, бизнес уммониға шўнғиб, тезда бойиб кетишдек ҳавоий хавасга берилиб, ўз куч ва имкониятларини ортиқча баҳолайдилар, ўз шахсларининг нуқсу фазилатларини ҳисобга ола билмайдилар ва энг муҳими, иш бошлашга чуқур ўйлаб, пухта ёқдашмайдилар, ҳар қандай янги ишда юзага келиши мумкин бўлган имконият ва тўсиқларни тасаввур эта олмайдилар.

Хўш, бунинг сабаби нимада? Тадбиркорлар ишнинг нимадан бошласалар, қандай тамойилларга амал қилсалар, чинакам мулкдор фермерга айланб, муваффақиятли фаолият юритадилар-у, инкирозга учрамайдилар? Ушбу саволларга Ўзбекистон Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси ходимлари Рауф ҒАҒҒОРОВ ва Виктор АБАТУРОВ шундай жавоб беради: -- Тадбиркорлар ишнинг бошдаёқ ёки ярим йўлда тўхтаб, юришмай қолганининг асосий сабабларидан бири шундаки, уларнинг айримлари эркин фаолият юритишини худда осон билиб, бизнес уммониға шўнғиб, тезда бойиб кетишдек ҳавоий хавасга берилиб, ўз куч ва имкониятларини ортиқча баҳолайдилар, ўз шахсларининг нуқсу фазилатларини ҳисобга ола билмайдилар ва энг муҳими, иш бошлашга чуқур ўйлаб, пухта ёқдашмайдилар, ҳар қандай янги ишда юзага келиши мумкин бўлган имконият ва тўсиқларни тасаввур эта олмайдилар.

Хўш, бунинг сабаби нимада? Тадбиркорлар ишнинг нимадан бошласалар, қандай тамойилларга амал қилсалар, чинакам мулкдор фермерга айланб, муваффақиятли фаолият юритадилар-у, инкирозга учрамайдилар? Ушбу саволларга Ўзбекистон Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси ходимлари Рауф ҒАҒҒОРОВ ва Виктор АБАТУРОВ шундай жавоб беради: -- Тадбиркорлар ишнинг бошдаёқ ёки ярим йўлда тўхтаб, юришмай қолганининг асосий сабабларидан бири шундаки, уларнинг айримлари эркин фаолият юритишини худда осон билиб, бизнес уммониға шўнғиб, тезда бойиб кетишдек ҳавоий хавасга берилиб, ўз куч ва имкониятларини ортиқча баҳолайдилар, ўз шахсларининг нуқсу фазилатларини ҳисобга ола билмайдилар ва энг муҳими, иш бошлашга чуқур ўйлаб, пухта ёқдашмайдилар, ҳар қандай янги ишда юзага келиши мумкин бўлган имконият ва тўсиқларни тасаввур эта олмайдилар.

Хўш, бунинг сабаби нимада? Тадбиркорлар ишнинг нимадан бошласалар, қандай тамойилларга амал қилсалар, чинакам мулкдор фермерга айланб, муваффақиятли фаолият юритадилар-у, инкирозга учрамайдилар? Ушбу саволларга Ўзбекистон Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси ходимлари Рауф ҒАҒҒОРОВ ва Виктор АБАТУРОВ шундай жавоб беради: -- Тадбиркорлар ишнинг бошдаёқ ёки ярим йўлда тўхтаб, юришмай қолганининг асосий сабабларидан бири шундаки, уларнинг айримлари эркин фаолият юритишини худда осон билиб, бизнес уммониға шўнғиб, тезда бойиб кетишдек ҳавоий хавасга берилиб, ўз куч ва имкониятларини ортиқча баҳолайдилар, ўз шахсларининг нуқсу фазилатларини ҳисобга ола билмайдилар ва энг муҳими, иш бошлашга чуқур ўйлаб, пухта ёқдашмайдилар, ҳар қандай янги ишда юзага келиши мумкин бўлган имконият ва тўсиқларни тасаввур эта олмайдилар.

Хўш, бунинг сабаби нимада? Тадбиркорлар ишнинг нимадан бошласалар, қандай тамойилларга амал қилсалар, чинакам мулкдор фермерга айланб, муваффақиятли фаолият юритадилар-у, инкирозга учрамайдилар? Ушбу саволларга Ўзбекистон Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси ходимлари Рауф ҒАҒҒОРОВ ва Виктор АБАТУРОВ шундай жавоб беради: -- Тадбиркорлар ишнинг бошдаёқ ёки ярим йўлда тўхтаб, юришмай қолганининг асосий сабабларидан бири шундаки, уларнинг айримлари эркин фаолият юритишини худда осон билиб, бизнес уммониға шўнғиб, тезда бойиб кетишдек ҳавоий хавасга берилиб, ўз куч ва имкониятларини ортиқча баҳолайдилар, ўз шахсларининг нуқсу фазилатларини ҳисобга ола билмайдилар ва энг муҳими, иш бошлашга чуқур ўйлаб, пухта ёқдашмайдилар, ҳар қандай янги ишда юзага келиши мумкин бўлган имконият ва тўсиқларни тасаввур эта олмайдилар.

«ТАШАББУС» КҮРИК-ТАНЛОВИ ҒОЛИБЛАРИ

ИШБИЛАРМОНУ ҲУНАРМАНД

Самарқандда «Ташаббус» республика кўрик танловининг шаҳар босқичи якунланди. Унда 20 нафардан зиёд тадбиркорлар ва ҳунармандлар иштирок этиди. Эксперт-жюри аъзолари «Умар» ишлаб чиқариш-тижорат фирмаси ва шу номада аталувчи ҳусусий банкнинг раҳбари Умар Ражабов ҳамда ҳунарманд Зарифжон Мухторовни ғолиб деб тойдилар. «Умар» ишлаб чиқариш-тижорат фирмаси 1992 йилда ташкил этилган бўлиб, ушундан унинг Нисом жамағатси 17 миллион сўмдан иборат эди. Бу фирма тарихида «Умар» ҳусусий банки, «Отбек» ишлаб чиқариш савдо кўргазмаси, кўша-кўша ишлаб чиқариш цехлари ҳамда темирчилик ва дурадгорлик устаноналари фаолият кўрсатмоқда. Бундан ташқари, унинг тасарруфида 4 та дўкон, ошхона, 3 та оғир, даволаш-диагностика маркази, дам олиш ўйи ва спорт зами мавжуд. Ушун йили тадбиркорларнинг байрат-шижоати туйфайди катта миқдорда шакобок, ётоқ буомалар, консервалар тасаруфида. 100 миң сўмлик транспорт хизмати кўрсатилаб, 3 миллион 500 миң сўмлик қурилиш-монтаж ишлари баянриди. Экспортта

818 миң АҚШ доллар миқдорда маҳсулот чиқарилаб, четдан 579 миң долларлик маҳсулот олиб келинди. Якунда эса 300 миллион 316 миң сўм даромад олиниб, унинг 10 миллион сўми бюджетга ўтказилди. «Умар» фирмаси жамоаси мезр-шавабт борасида ҳам ибратли таъбиқларини амалга ошириб келмоқда. Энди «Умар банк» ҳусусида «Ҳўшайда» бўлсак, у бундан ушун йилда яна 500 миң сўм баҳолаб эди. Унинг Нисом жамағатси 1 миллион сўмдан 8 миллион сўмга кўтарилди. 1996 йилда эса банк жамоаси 10 миллион сўм даромад қилди. Бу маблагнинг ярими соф фойдалар. Бу ишларнинг барчасида Умар Ражабовнинг ҳусуси бор. Шу боис у «Ташаббус» кўрик-танловининг шаҳар босқичида 1-ўрини усталади. Сиз, ҳойнаҳой, Ўзбекистон ҳақд устаси, машҳур куло Абдурайим Мухторовнинг номини эшитсангиз, Кўрик-танловнинг ғолибларидан яна бири - Зарифжон Мухторов шу кишининг ўғлидир. Зарифжоннинг мингатори дайқаллари, ўзбек ҳақ арткалари қадроманори образлари ва Насриддин Афанди тисмон ақс эттирилган ўйинчоқлари Англия, Франция, Германия, Беларусь ва Қозғистонда ташкил этилган халқаро кўргазмалар, ташоавларда бир неча мар-

Биз ана шу масалага қизиқиб, Тошкент шаҳридаги «Паркент», «Кўйлик», «Чорсу» ва «Юнусобод» бозорларини айланиб, у ердаги нарх-наволар ва хориждан келтириладиган маҳсулотларнинг сифати билан танинаимиз. Рафта ортидаги қайси бир сотувчиға юзланманг, бир хил жавоб оласиз: -- Нега бунча нархи қиммат? -- Ака, бу матоҳ Эронники. Буниси Италияники, мана буниси эса Голландиядан келтирилган, дейди сотувчи йигит мийғида кулиб.

Хўш, нега энди биз Ўзбекистондай жаннатмақон ўлкада яшаб туриб, Эрондан, Хитойдан, Индонезия ёки Покистондан бориштиқ, Европа ва Ғарб давлатларининг мезам ва узум шарбатлари, олча, ўрик мураббоси ва бошқа хил ширинликларига, қандолат маҳсулотларига эҳтиёж сезамиз. -- Биздагилар сабзавот ва меваларни қайта ишлашни билишмайди-да, ака, -- дейди сотувчи йигит сўзида давом этиб.

Тўғри, деҳқонларимизнинг ҳали тижоратнинг, фермерликнинг ҳадисини ололмаганим, айрим қорхона раҳбарларининг укувсизлиги, мамлакатимизда фаолият кўрсатадиган қатор хорижий фирмаларга қўл келаяпти. 70 йиллик тузум даврида давлатга қўз тикишга ўрганиб қолганимиз, эркин иш юртига олиш салоҳиятидан йироқлашганимизнинг тасвири бу. Наҳотки, ил-ўн икки ой бодиринг, помидор етиштириш имконияти булган серкўш ўлкада шу маҳсулотларни қайта ишлаш жараинини тақомиллаштириш мумкин эмас.

Яратганга шукрлар бўлсинким, бундай имкониятлар бизда мавжуд. Ўзбекистон ерининг соҳавати эса беҳиш. Ана шу имкониятлар тўла шис солинишига бунгити кунда бир канча иллатлар тўсиқ бўлапти, холос. Улардан бири -- қўйи бўғин раҳбарларининг боқибсизлиги, ўз вазифаси масъулиятини ҳис этишдан йироқлиги. Бу иллат бориб-бориб, боқимандалик касалати айланапти.

Айнан, боқимандалик кайфиятида ишлаётган кишилар раҳбар бўлган хўжалик ва ташкилотларда, туманларда, иқтисодий қолоқлик кучаймоқда. Айнан шундай кайфият билан юрган ишбилармон тадбиркорлар Ўзбекистон бозорини тўқин-сочин қилиш фақат хориж маҳсулотлари ҳисобига бўлиши

БОЗОРНИ ҲАҚСАЛАСИЗЛИК КАСАЛИДАН ФОРИГ БЎЛИШИМИЗ КЕРАК

ҲАМКОРЛИҚДА ИШЛАМОҚДАЛАР

Анджонда Америка тинчлик корпуси кўнгилчилари иш бошладилар. Улар Анджон шаҳридаги 1-, 2-гимназияларда, Анджон Тиллар педагогика институтида ва шу ўқув даргоҳи лицейида, муаллимлар тайёрлаш билим юртида, Чиноболдаги 12-лицей интернатда инглиз тили ўқитувчилари билан ҳамкорликда ишламоқдалар. 2 йил мобайнида улар ўз таърибалари билан ўртоқлашдилар, ўқувчиларга инглиз тилидан сабоқ бердилар. Айни пайтда халқимизнинг бой маданий мероси, урф-одати, анъаналари билан яқиндан танишдилар.

Океан ортидан келган кўнгилчиларнинг бир гуруҳи сершовкин шаҳардан кўра осойишта, оддий ва содда қишлоқ кишилари хонадонларида яшашни афзал кўрдилар. Уларни Балқини туманидаги Чинобол қишлоғида истиқомат қилувчи З. Мадрохимовлар хонадони ўз бағрига олди.

ШОДМОНАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Океан ортидан келган кўнгилчиларнинг бир гуруҳи сершовкин шаҳардан кўра осойишта, оддий ва содда қишлоқ кишилари хонадонларида яшашни афзал кўрдилар. Уларни Балқини туманидаги Чинобол қишлоғида истиқомат қилувчи З. Мадрохимовлар хонадони ўз бағрига олди.

Океан ортидан келган кўнгилчиларнинг бир гуруҳи сершовкин шаҳардан кўра осойишта, оддий ва содда қишлоқ кишилари хонадонларида яшашни афзал кўрдилар. Уларни Балқини туманидаги Чинобол қишлоғида истиқомат қилувчи З. Мадрохимовлар хонадони ўз бағрига олди.

Ушунга қарамай, бунинг учун аввало боқимандалик ва ҳақсаласизлик касалидан фориг бўлишимиз керак

Ушунга қарамай, бунинг учун аввало боқимандалик ва ҳақсаласизлик касалидан фориг бўлишимиз керак

Ушунга қарамай, бунинг учун аввало боқимандалик ва ҳақсаласизлик касалидан фориг бўлишимиз керак

UZDUNROBITA cellular 1997 йил январдан қуйидаги янги имтиёзларни жорий этади: Уяли алоқа хизматидан фойдаланганлик учун ва телефон аппаратини сотиб олишда VISA, American Express, MasterCard, EuroCard, Diners Club, JCB Cards кредит карточкалари воситасида ҳисоб-китоб қилинганда 25 фойиз сийлов қилинади Маълумот олиш учун телефон: 30-09-09 «Ўздунробита» ҚҚ.



**Маънавият инсон зотини табиат подшосига айлантирган барча олий фазилатлардан таркиб топгандир. Тирик мавжудотда фақат одамларгагина насиб этган тил, иймону эътиқод, илму маданият, санъату адабиёт -- ҳаммаси башарият пайдо бўлгандан буён йиғилиб бораётган ва асрлар ўтган сари сараланиб, сайқал топаётган маънавият жавҳарларидир.**  
**Моддий оламда одамнинг жисми кичкинагина жойни эгаллайди. Аммо инсоннинг дилга ўзи яшаб турган улкан ватани сифади, унинг руҳи бутун жаҳонни ва коинотни қамраб олишга қодир. Бу қудрат ажодлардан авлодларга қандай ўтади?**

**ДУНЁНИ КЎТҚАРУВЧИ КҮЧ**

Энг улғу маънавий дурдоналари орасида Алишер Навоийнинг «Хамса»си алоҳида ўрин тутди. Ҳар сафар уни қўйга ўқиганда янги-янги маъноларини кашф этасиз. Хусусан, «Сади Искандарий» достони келажакни олдиндан кўра билди ва ҳамма халқларни ўйлантирган энг мушкул саволларга жавоб излаш нуқтани назардан кишини қўйиб қолдиради.

Эмон одамлар, ёвуз кучлар кўпайган сари охирига яқинлашиши ва инсоният ҳаёти хавф остида қолиши ҳақидаги огоҳлантириш ҳамма замоналарда бўлган. Айниқса, Алишер Навоий яшаган даврда ўзаро урушлар, ички ва ташқи низолар авжига чиққанлиги учун мутафаккир шоир эл-улусни интихосиз хавф-хатарлардан қўқариш йўллари тинмай излаган. Ана шу изланишнинг улкан бир самараси «Сади Искандарий» достонидан кўра ташланди. Навоий Искандарий сиймосида келажакдаги энг алоқатли давлат бошлиғи ўз халқини ва дунёни турли ба-ло-ю, қазолардан қандай қўқаришини тасвирлайди. Аввало, Искандарийнинг ўзи ёшлаган билмига ташна, зехни ўткир, ўта заковатли одам бўлади. Шу сабабли ўз атрофида Арасту, Афлотун, Сукрот каби энг буюк алломаларни ўғтайди ва доим улар билан бамаслаҳат, ҳамжиҳатликда иш олиб боради.

Искандар мамлакат ичида ва жаҳонда содир бўлган воқеалар тўғрисида доим аниқ ва ҳаққоний маълумот олиб туришни биринчи даражада зарурат деб ҳисоблайди. Шу зарурат туфайли Навоий Искандарийнинг олимлар билан ҳамкорликда дунёнинг ички-ташқи сирларини кўрсатиб туриши «сурабли ҳушид таб ва мийроти меҳрисифат» кашф қилганини мақсус бир бобла тасвирлайди. Қуёш каби бутун оламни ўз нури билан қамраб оладиган ва ойнаи жаҳон сингари бор ҳақиқатларни аниқ кўрсатиб турадиган бу кашифёт Искандарга яхши одамларни ёмонлардан фарқлаш, доим адолатни ҳимоя қилиш, эл-юртни уруш баёлари билан ва бошқа ҳар хил офатлардан омон сақлаш имконини беради.

Достон давомида Искандарнинг юксак маънавият ва маъ-

рифатни қандай меҳнату риёзат билан эгаллагани, сўнг уларга суяниб «офоқни (яъни дунёни) ёмонлардан пок этгани, яхшиларни тарабнок (яъни шодмон) қилгани, эл-



улус чинакам фаровон ҳаёт кечиргани ёрқин образлар ёрдамида кўрсатиб берилади. Албатта, бу достонда улғу шоирнинг орзуси акс этган. Мана, ордан беш аср ўтгандан кейин Алишер Навоий олдинга сурган гоя — дунёни ёвуз кучлардан маънавият ва маърифатга асосланган адолатли тизим қўқарилади, деган ҳақиқат эди ўзининг исбот ва далилларини топмоқда.

Ф. М. Достоевский ўтган асрда «дунёни гўзаллик қўқарилади» деган ҳикматли сўзларни айтган экан. Ёзининг асримиз бу ҳикматни қабул қилган ҳолда, унга ҳазрат Алишер Навоий каромат қилган бир аниқлиқни киритса ҳақиқий Бутун дунё айтиш мумкинки, дунёни адолатли одамларнинг ақл-идроки, билим ва маънавияти қўқарилади.

**МАЪНАВИЯТИМИЗНИНГ ИСТИҚБОЛИ**

Улғу ажодларимиз минг йиллар давомида яратиб кетган маънавий ва маърифий бойликлар бугунги Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидан муътабар ўрин олишига асос бўлади. Халқимизнинг маънавий имкониятлари иқтисодий имкониятларидан ортиқ бўлса борки, кам эмас. Шунинг учун муҳтарам Президентимиз маънавий тараққиётни иқтисодий тараққиёт даражасидан устувор йўналишга айлантди ҳамма-мизни даяват этмоқдалар.

Биз ҳар жиҳатдан тўқис ва фаровон ҳаётга интилар эканмиз, бундай ҳаётнинг имкон ва манбалари ҳар биримизнинг қалбимизда, руҳий дунёмизда ҳам мавжуд эканини тоҳо унутиб қўямиз. Ҳолбуки, ташқи дунёни поклай-

диган ва юксалтирилган энг зўр маънавий ва маърифий кучлар аввало инсоннинг қалбида, тафаккурида ўз ҳаракатини бошлайди. Ҳаракат эса баракат келтиради.

Маънавият -- инсоннинг

руҳий қанотларидир. Уларни ҳар бир киши ўз ички дунёсида устириб, парвозга яроқли қилади. Маънавий бойликлар кўнг, меҳнат, иштиёқ кучи билан инсоннинг қалбида йиллар давомида зарралаб йиғилади. Одамда, айниқса, ёшликда, билим ва маърифатга эҳтиёж қанчалик кучли бўлса, унинг қалбига шунча кўп маънавий бойликлар йўл топади. Ҳалоллик, инсоф, динбат каби фазилатлар инсондаги маънавиятнинг таркибий қисмларидир.

Шўро даври нуқул сиёсий тарбиябот, синфилик ва партиявийликка зўр бериб, маънавиятни эътибордан четда қолдиргани учун маънавий жиҳатдан қаншоқ кишилар кўпайиб қолган эди. Истиқлол шароитида уларнинг бир қисми маънавиятнинг қалрига етиб, яхши томонга ўзгарди. Аммо бошқа бир мослашувчан тоифа бозор иқтисодининг эркинликларини сиёсий-эмоционал қилиб, ҳаром йўллар билан молу дунё орттириш йўлига ўтди. Бундай баён, маънавиятдан бебахра одамларга илму маърифат, инсофу динбат тўғрисида гапирсангиз «бизга ақл ўргатманг, биламиз ҳаммасини!» деб, осмондан келишади. Ҳолбуки, улар ҳаром йўллар билан орттирган бойлик қўлнинг кирийдил муваққат бўлишини, маънавий қаншоқлик бахтсизлик келтиришини билмайдилар.

Маънавият -- нурдай гўзал ва илқ, нурдай умри узок қадриятдир. Олис юлдузларнинг нурлари минг йиллар давомида чексиз коинот бўйлаб ўчмасдан ҳаракатланар экан. Ана шундай умрбоқий маънавият соҳиби, бундан саккиз аср аввал яшаб ўтган буюк мутафаккир шоир Жалолоддин

Румий «Маънавий ва маснавий» номи билан кўп жилдлик асарлар ёзган. Куйидаги сатрлар Румий маънавиятнинг бугун ҳам дилимизга беҳад яқин эканидан далolat беради:

Мунаввардир қуёш, мен нур тўла

Тўқилди уммонман, -- билмассан.

Замин тетраграмдир, Дилда яшар осмон, -- билмассан.

Жаҳон бўстонда бир боларидек учганим учган

Асалим маъноси лекни сента пинҳон, -- билмассан.



ижолкор зиёлилар, янги маънавий бойликлар яратиш ва ажодларимиз маънавиятини барча юртдошларимиз қалбига етказиб бериш учун бор куч ва қобилиятимизни сарфлашимиз керак.

**ҲАҚИҚАТ ҚҮЁШИ**

«Қарс икки қўлдан» дегандай, аввало, ҳар бир юртдошимиз маърифат ва маънавиятга ташна бўлиши, уларни эгаллашга кучли эҳтиёж сезиши лозим. Айни вақтда, маънавий бойлик яратувчилар ва уларни тарғиб этувчиларда ҳаққоний заковат, жозибдор самимият бўлиши зарур. Чунки дилдан дилга йўл бор. Бу йўлни фақат ҳақиқат қалити билан очиб бўлади. Маънавият инсон онгига, унинг қалбига ҳақиқат кучи ва гўзаллик жозибаси ёрдамида кириб ўрнашади.

Ҳақиқат қуёшдек барчага баробар нур сочади. Тирик мавжудот қуёшга қандай талпинса, маънавий соғлом инсонлар ҳақиқат ва адолатга шундай бағрини очди. Фақат қаллоблик, риёкорлик, ўғрилик каби иллатлар худди қуёш нуридан ва ҳароратидан эриб йўқ бўладиган музлар каби ўзларини ҳақиқатдан, маънавиятдан нурдан олиб қочадилар. Илоҳини топганда бу нур ва ҳарорат манбаларини йўқ қилишга уринадилар. Лекин қуёш вақтинча булдулар ортита кўринмай қолса ҳам барибир уларни ёриб ўтади, маънавият ва ҳақиқат ҳам охири оқибатда гўлиб чиқади. Салкам етмиш йиллик ҳаётим давомида мен бунинг кўпгина жонли мисолларини кўрдим.

Инсон манфаатларига алоҳида эътибор берилаётган 1997 йилда бутун мамлакатимизга тинчлик, барча хонадонларга фаровонлик ва ҳар бир юртдошимизга маънавий баркамоллик йўлдош бўлсин.

**Пиримқул КОДИРОВ, Ўзбекистон халқ ёзувчиси.**

**ДИЛДАН-ДИЛГА ЙЎЛ БОР**

**Билурмен деб, дам урма, Билганинг ёлғон, -- билмассан!**

Румий ўз замонасининг маънавиятдан бебахар, мақтанчоқ одамларига «билганинг ёлғон, билмассан!» деб қуёниб хитоб қилгани ҳанузгача ўз аҳамиятини йўқотган эмас. Бу сатрларда маънавият соҳиби бўлган инсоннинг қалби нур тўла уммонга ўхшашлиги, замину осмон барча гўзаллик ва бойликлари билан унинг дилида яшашлиги, бу инсон боларидек тинмай парвоз этиб, асалдек маънолар йиғишдан бахтиёр эканлиги ўта тасвирли ифода этилган.

Бугун халқимиз орасида ана шундай маънавият ва маърифат соҳиблари оз эмас. Улар юртбошимизнинг маънавият-

ми сифатида дам олиш кунига айлантдирилиши маънавият ва маърифат аҳлига кўрсатилган эъозу эҳтиромнинг энг юксак намунаси бўлди. Халқимизнинг маънавий мураббийлари бўлган Абу Али ибн Сино, Алишер Навоийдан тортиб XX аср бошида фаолият кўрсатган улкан маърифатпарварлар ва улардан кейин ўтган устоз адибу олимлар асрлар давомида маънавият ва маърифатни ўз даврларидagi тараққиётнинг устувор йўналишига айлантдиришнинг орзу қилишган, аммо бу орзуларига етолмай кетишган.

Шу асрий орзулар амалга ошаётган даврда яшаш бизга насиб этмоқда. Бунинг шарафига яраша жуда катта масъулият ҳам бор. Айниқса, биз,



Олтарақ туманида хашар йўли билан турмуш тартибига келишди. Мазкур музей ташкил этилишига жонкувар ва ташаббускор инсон Қаримжон Ўзбекиёвнинг ҳиссаси катта. Қаримжон аса кўп йиллар турмуш тартибига келишди, зарур ҳужжатлар, эскиналарни тўлаб йиғиб музейга жамлади. Мазкур музейда 1500-2000 йиллик тарихда эл бўлиб орсаларнинг топилмаган ҳам қўйилган.

СУРАТЛАРДА: музейнинг умумий кўрinishи; музей муҳим қисми Қаримжон Ўзбекиёвнинг ўзининг тарихий эскиналар тўғрисида халқ қилиб берилди. Тоҳиржон ХАМРОҚҮЛ олдидан сурат.

**• Спорт • Спорт • Спорт • Спорт • Спорт • Спорт • Спорт • Спорт • Спорт • Спорт**

**ЦЮРИХ КУБОГИ -- ТОШКЕНТДА**

**Швейцариянинг Цюрих шаҳрида трамплин (жаҳон спорт тилида батут ҳозир шундай деб юритилмоқда) бўйича халқаро мусобақа бўлиб ўтди.**

Бу аънаваний мусобақанинг бош соврини -- Цюрих кубоги тошкентлик Екатерина Хилькога насиб этди.

**Харқунни қасуласини қабул қилар экансиз, сиз ўз терингизни муссафо қиласиз, гўзаллик ва майнлик бахш этасиз.**

**Сизнинг бардам ва гўзаллигингиз БЬЮТИ ПЛЮС дорихоналаридан сўранг**

**СР / аджанта фарма димителд**

Тонкент Молия институти жамоаси «Кўнмақли қозғолар ва инвестициялар» кафедрасининг мудири профессор Дилшод Қозилбеков ўзини <b>Хуршида ҚОЗИЛБЕКОВ</b> нинг вафот этилиши муносабати билан чўқур талпин иҳоз этди.	«Илмнеффта» илмий-ишлаб чиқариш бириламчиси «ЎзбекЛИТИнеффта» илмий гуруҳи жамоаси, шу илмий гуруҳнинг соғлом, теология-минералогия факультети номзоди <b>Завар ЗОҚИР</b> нинг вафоти муносабати билан маъмумининг онга аъзолари ҳамда қариндошларига талпин иҳоз этди.	«Илмнеффта» илмий-ишлаб чиқариш бириламчиси «ЎзбекЛИТИнеффта» илмий гуруҳи жамоаси, шу илмий гуруҳнинг меҳнат фахрийси <b>Халвача ГАВБЕВ</b> нинг вафоти муносабати билан маъмумининг онга аъзолари ҳамда қариндошларига талпин иҳоз этди.
---	---	--

**АФРИКАЛИКЛАРНИНГ ҚЎЛИ БАЛАНД КЕЛДИ**

**Лиссабонда ўтказилган футбол бўйича ўртоқлик учрашувида Африка терма жамоаси Европа терма командасини 2:1 ҳисобида мағлубиятга учратди.**

Бу икки қитъа командаларининг ўртоқлик учрашувини ўн минглаб тоماشбилар кузатди. Қизилқарли учрашувда футбол киролининг фамилиядоши Ганец Абеди Пеле биринчи бўлиб ҳисобини очди. Кейинги тўп-ларини эса, франциялик Венсан Герен ва марокашлик Мустафо Ҳожи дарвоза томон йўналтирди.



(Газетанинг навбатдаги сон 7 февраль, жума кун чикади).

**«ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЯНГИ ТАРИХИ»**

**ЎТМИШИМИЗНИ ТЕРАН АНГЛАЙЛИК**

**М. ЭСОНОВ, республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик марказининг Сурхондарё вилоят бўлими бошлиғи:**  
 -- Республика Вазирилар Маҳаммасининг «Ўзбекистоннинг янги тарихини тайёрлаш ва нашр этиш тўғрисида»ги қарори -- давр тақдоси, мустақилликка эришган халқ ораси, истагининг рўйбога чиқишидир.

Коммунистик мафкура ҳукмрон бўлган йилларда биз халқ, миллат сифатида ўзимизни англаш имкониятидан йироқлаштирилган эдик. Бу жуда тўхта ўйланиб, узокки қўлаб юргизилган сиёсат эди. Агар тарихимиздан сўз очиб, гуруҳланганидан бўлса, дарҳол миллатчиликда, сиёсий қўрқилда айбашларди. Ҳақиқий ўтмишимизни тарих китобларини сатрлари орасида ўзига яраша, тўхтагидек элос-элос сезиш, тасаввур қилиш мумкин эди, холос. Тарихимиздан сўзловчи ишончли манбалар йўқ

қилинган ёки етти қават девор ичидаги архивларга тикиб ташланган эди.

Шуқрлар бўлсинки, мана энди ҳақиқий тарихимизни яратилганга қўл урилди. Бу уч китобда яқин ўтмишимиз ёритилди. Ишончим комил, бир вақтлар шамол қаёққа қараб эсса, ўша томонга оғиб, «лаббай» дейдиган тарихчилар томонидан яратилган Урта Осиёнинг Россияга қўшиб олиниши, унинг прогрессив аҳамияти, деган сохта, уйдирма гапларга барҳам берилиб, бор ҳақиқат рўй-рост айтилади.

**Ч. КҮЧАРОВ, Мирзо Улугбек номидаги Тонкент давлат университетини ўқитувчиси:**  
 -- Ўзбекистоннинг, айниқса, XIX аср иккинчи ярмидан бугунги кунгача бўлган тарихини ўрганиш ва халқимизга етказиш, айниш мумкинки, бугунги кун талабига айланди. Чунки бу давр қатор

зиқдиятлар, чалқашликларга бой бўлиб, «истиқболчилик ҳаракати», «жадидчилик ҳаракати» ҳамда миллий озоодлик ҳаракатларига етарли баҳр бериш, қалаверса, бугун -- мустақиллик йилларида эришган ютуқларимизни тўла акс эттириш лозим.

Албатта, «Ўзбекистоннинг янги тарихи» ўтмишимизни ҳолис акс эттириши билан бирга, ажодларимизнинг Ватан мустақиллиги йўлидаги фидокорона хизматларини муносиб баҳолайди. Бу, айниқса, ёш авлодига она-юрта меҳр ва сардоқат руҳида тарбиялашда муҳимдир.

Уч китобдан иборат ушбу нашр инсон манфаатлари йили деб эълон қилинган 1997 йилда халқимиз қадриятларини тиклашдек, инсоннинг барча қоний ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоси таъминланганидан ҳуқуқий демократик жамият қуришдек эзгу мақсадларга хизмат қилади.

(Ў.А.)

**ХАЛҚ СЎЗИ**  
**НАРОДНОЕ СЛОВО**

**МУАССИСЛАР:**  
**Ўзбекистон Республикаси**  
**Олий Мажлиси Кенгаши ва**  
**Ўзбекистон Республикаси**  
**Вазирлар Маҳкамаси**

**Бош муҳаррир:**  
**А. УСМОНОВ.**

**БЎЛИМЛАР:**  
**Парламент 33-57-34;**  
**Халқаро 33-07-48;**  
**Мерос ва қадриятлар 36-29-89;**  
**Қашқар ҳўжаллиги 36-07-94;**  
**Иқтисодийёт 36-36-65;**  
**Маънавият 36-35-60;**  
**Ўзги муҳарририят 33-10-28;**  
**Эълонлар 36-09-25, Вестер-33-10-60**

**• МАНЗИЛИМИЗ:**  
**700000, ГСП,**  
**Тонкент шаҳри,**  
**Матбуотчилар кўчаси, 19-уй.**

Навбатчи муҳаррир -- А. Йўлдошев.  
 Навбатчи -- Ш. Қаримов.  
 Мусахҳах -- А. Худойкулов.